

ДИСКУРСДА ТЎЛИҚСИЗ ГАПЛАРНИНГ ПРАГМАТИК АСПЕКТЛАРИ (Ўзбек ва инглиз тиллари мисолида)

Буриева Умида Абдуминовна

Мирзо Улуғбек номидаги

Ўзбекистон Миллий университети

Таржима назарияси ва қиёсий тилшунослик

кафедраси катта ўқитувчиси, PhD.

Аннотация: В статье прагматические особенности выражения неполных предложений в двух языках практически одинаковы, а прагматическое препятствие, вызванное неправильным употреблением или произношением, рассматривается в обоих языках с помощью примеров.

Ключевые слова: прагматика, неполный предложения, коммуникативная цель, речевой акт, дискурсивная деятельность, иллокутивная задача, конвенциональный, неконвенциональный, диалогический процесс, социопрагматический фактор, иллокуция.

Annotation: In the article, the pragmatic features of expression of incomplete sentences in the two languages are almost the same, and the pragmatic obstacle caused by irregular use or pronunciation is observed in both languages with the help of examples.

Keywords: pragmatics, incomplete sentences, communicative purpose, speech act, discursive activity, illocutionary task, conventional, unconventional, dialogic process, sociopragmatic factor, illocution.

Аннотация: Мақолада тўлиқсиз гапларни чоғиштирилаётган тилларда ифодаланиши прагматик хусусиятлари деярли бир хиллиги ва номеъёрий қўллаш ёки талаффуз қилиш натижасида юзага келадиган прагматик тўсиқ ҳар икки тилда бирдек кузатилиши мисоллар ёрдамида кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: прагматика, тўлиқсиз гаплар, коммуникатив мақсад, нутқий акт, дискурсив фаолият, иллокутив вазифа, конвенционал, ноконвенциал, диалогик жараён, социопрагматик омил, иллокуция.

Кириш. Инсонлар бир-бирлари билан мулоқотда бўлганида турли лисоний воситалар – сўз, иборалар, гаплар ва уларнинг вариантларидан фойдаланадилар. Буларнинг ҳар бирини ишлатаётганда, табиийки, муаллиф ва умуман сўзловчилар ўз мақсадларига мослаштиришга ҳаракат қиладилар.

Ж. Кукнинг фикрича, “биз, шунингдек, атрофимиздаги табиий олам ва ижтимоий воқелик ҳақидаги билимга эҳтиёж сезамиз”¹⁸⁹. Ҳақиқатдан ҳам, лисоний шакллар дискурс шароитида турли вазифаларни бажариши мумкин ва буларни тасвирлаш, тавсифлаш нутқий актлар назариясининг предметиға айланган. Лисоний белгиларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги назариялар аллақачонлардан бери мавжуд бўлса-да, лисоний ҳодисаларни ўрганишга прагматик ёндашув XX асрнинг 70- йилларидан бошлаб интенсив ривожлана бошлади ва бугунги кунгача илмий мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда.

¹⁸⁹ Cook G. Discourse. – Oxford: Oxford University Press, 1989. – 293 p.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ш.Сафаровнинг “Прагмалингвистика” китобида куйидаги рус тилшунослари Н.Д.Арутюнова, Ю.С.Степановларнинг фикрлари берилган бўлиб, улар прагматикага бадий коммуникациянинг субъектив хусусиятларини, матнда уни ижодкорларнинг “мен”ини ифодаланиши услубларини ўрганувчи назария сифатида қараш керак деган фикрни таклиф қилишади. Тилшунос Киселева Л.А. эса прагматикани сўзловчининг воқеликка, ахборот мазмунига ва адресатга (тингловчи, ўқувчи) бўлган муносабатини лисоний сўз бирлик мазмунидан жой олган таъсирчанлик кучини аниқловчи фан (нутқий таъсир назарияси) сифатида берган¹⁹⁰.

Таҳлил ва натижалар Инсон мулоқот жараёнида коммуникатив мақсадни бевосита ёки билвосита усулда ифода этади. Бу эса нутқий актни баён этиш усуллари ҳисобланади. Коммуникатив мақсад, яъни интенцияни бевосита ва яширин тарзда ифода этиш барча халқларга, жумладан, ўзбек ва инглизларга ҳам хос. Маълумотни билвосита етказиш барча халқларда турлича. Масалан, бизнинг халқимизда олқишлаш учун бош бармоқни юқорига кўтариб, қолган барча бармоқларни букиб кўрсатилади, рус миллатида ҳам худди шундай. Инглизлар эса бу маънони ифодалаш учун бош бармоғи билан кўрсаткич бармоғини бирлаштириб кўрсатадилар, француз халқи бўлса, бармоқларини бирлаштириб, унинг учини ўпиб қўйиш орқали мақтов, таҳсинни ифода этишади.

Шундай экан, ўзбек тилида сўзловчи “*Озроқ шакар олиб беринг илтимос*” ва “*озроқ шакар бер*” ёки “*озроқ шакар оламан, майлими?*” каби тўлиқсиз гаплардан қайси бирини танлаши коммуникатив вазият ва бошқа омиллар билан боғлиқ эканлиги маълум. Нутқий тузилмаларнинг мулоқот жараёнида тузилиши ва пропозиция таркибига мос келмайдиган мазмунда қўлланиши масаласи тилшуносларнинг диққатини кўпдан буён жалб қилиб келади. Ушбу ҳодисани кўпчилик “гап транспозицияси”¹⁹¹ деб атаса, француз услубшуноси Ш. Балли таълимотига эргашиб келаётганлар эса бу ерда “функционал кўчим” асосида вазифавий муқобиллик юзага келишини қайд этишади¹⁹².

Масалан:

- 1) *Enter the room, please?* – “*Марҳамат уйга киринг?*”.
- 2) *May I use telephone?* – “*Телефондан фойдалансам майлими?*”

Тўлиқсиз гапларда коммуникатив мақсаднинг бевосита ифодаланиши асосан тингловчига тушунарли ва тўғри маънода айтилган бўлади. Мисоллар орқали фикримизни янада кенгроқ ёритамиз.

Blinded by the bright light, Maggie bumped into someone on the way out, but managed to beg the pardon of an exotically beautiful woman. A woman, here? Spanish? The woman shook her black tresses, murmured, “De nada”, and was gone. Confused, Maggie returned to the smithy. (K. Karr)

Келтирилган гапда *A woman, here? Spanish?* каби тўлиқсиз гаплар мавжуд. Бу ўринда қаҳрамон аёл кишини кўриб, ҳайрон қолгани ва шу биргина тўлиқсиз гапга *Who is this woman? Where is she from? What is she doing here? Who allowed her to come?* каби қатор саволларни ўз ичига олганини кўришимиз мумкин. Мана шу саволларнинг барчаси бир тўлиқсиз гапда берилган.

¹⁹⁰ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б.72.

¹⁹¹ Блох М.Я. Категория оппозиционного замещения// Вопросы теории английского языка. - М., 1973. - С. 172-207.

¹⁹² Бузаров В.В. Некоторые аспекты взаимодействия грамматики говорящего и грамматики слушающего. Пятигорск, 1983. - 117 с.

I had it. It was lost when our boat turned over. But I have got the part of its wing. Have a look! (Arthur Conon Doyle)

Have a look! гапи фақатгина кесимдан иборат буйруқ шаклида келган тўлиқсиз гапдир.

Баҳор! Даладаги лолаларни айтмайсизми? Бирам чиройли. Чигитлар экилган. Яқинда униб чиқади¹⁹³.

Келтирилган гапда Баҳор! Бирам чиройли. Яқинда униб чиқади гаплари ҳис-хаяжон маъносида келган тўлиқсиз гаплардир. Баҳор! гапида фақатгина эга, Бирам чиройли гапида сифат ифодаланган, Яқинда униб чиқади гапида эса эга тушиб қолган.

адресат мақсадини билиш мумкин. Масалан,

— Мана, ошина, — деди у кулиб, — шу оромгоҳда давлатнинг текин овқатини еб ётибман. Беш кун ишламаймиз, икки кун дам оламиз. Келажаги порлоқ ҳаваскор жиннилар юксак онглилик намуналарини кўрсатмоқдалар. Ҳалигача бирорта дўхтирни еб қўйишгани йўқ, — у шундай деб табиббошига қараб қўйди. — Мен бу ерда дунёнинг тузилиш формуласини ишлаб чиқдим. Биргина масала қолди: шу опамни сўйсам, неча кило гўшт бераркин? Чамамда етмиш кило. Нима дейсан? Калла-почалари бунга кирмайди.

Ушбу шу оромгоҳда давлатнинг текин овқатини еб ётибман. Беш кун ишламаймиз, икки кун дам оламиз, Ҳалигача бирорта дўхтирни еб қўйишгани йўқ Нима дейсан? тўлиқсиз гапларида эга тушиб қолган, Чамамда етмиш кило гапида эса кесим тушириб қолдирилган ва улар кесатик маъносида келган. Буни гап оҳангидан ва урғу берилаётган бўлакдан англаш мумкин.

Инглиз тилида тўлиқсизликни аниқлашнинг семантик мезони тўлиқсиз ва тўлиқ нутқий тузилмаларнинг мазмуний томонидан чегаралашга хизмат қилади. Масалан, (а) Really delicious! ва (б) (It is really delicious / it tastes really delicious / I think it is really delicious...) гапларини қиёсласак, (а) тузилмасида мақтовни тезда ифодалаш мазмунлари фаоллашаётганини, (б) гапида, аксинча, фикрни секинлик билан кенгрок ва батафсилрок ифодалашни кўрамыз.

Хулоса. Мақолада инсон мулоқот жараёнида коммуникатив мақсадини бевосита ёки билвосита усулда ифода этилиши таҳлил қилинди. Бу эса нутқий актни баён этиш усуллари ҳисобланади. Коммуникатив мақсад, яъни интенцияни бевосита ва яширин тарзда ифода этиш барча халқларга, жумладан, ўзбек ва инглизларга ҳам хос. Билвосита нутқий актларнинг конвенционал ва ноконвенционал турларга бўлинади Булардан биринчисида аниқ бир прагматик мазмун ифодасига мўлжалланган нутқий тузилмалар қолиплаган ва уларни тушуниш унчалик мавҳум эмас. Ноконвенционал турдаги билвоситаликда нутқий курилманинг иллокутив маъноси унинг шакли, таркибий тузилиши билан ҳеч қандай боғлиқ бўлмасдан, контекстда акс этади.

Адабиётлар:

1. Cook G. Discourse. – Oxford: Oxford University Press, 1989. – 293 p.
2. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б.72.
3. Блох М.Я. Категория оппозиционного замещения// Вопросы теории английского языка. - М., 1973. - С. 172-207.

¹⁹³ Ғуломов А.Ғ., Асқарова М.А. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. – Тошкент: 1967. – Б. 147-149.

4. Бузаров В.В. Некоторые аспекты взаимодействия грамматики говорящего и грамматики слушающего. Пятигорск, 1983. - 117 с.
5. Ғуломов А.Ғ., Асқарова М.А. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. – Тошкент: 1967. – Б. 147-149